ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 3 апрел
сешанба № 44 (2301)

Ушбу сонда:

2 КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР микрокредит туфайли қаддини тиклаяпти

2-3 МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ – МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ОМИЛИ

4 ФИФА ВА ОФК ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Касаба уюшма ҳаёти

## ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК АСОСИДА

***Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидандир. Шунингдек, ишчи-хизматчиларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, ёшларни бой маданий меросимиз, урф-одатларимиз, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ва уларнинг бўш вақтларини сермазмун ташкил этиш ҳам мазкур жамоат ташкилотининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан.***

Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг куни кеча бўлиб ўтган сайёр йиғилишида айнан шу вазифалар Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида қандай бажарилаётганлиги атрофлича таҳлил этилди. Унда касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва уларнинг тизимидаги раҳбарлари иштирок этишди.







Аввало шуни айтиш керакки, раёсат ишчи гуруҳлари томонидан юқоридаги вазифалар жойларда қандай бажарилаётганлиги чуқур ўрганиб чиқилган эди. Дастлаб мазкур хулосалар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Сўнгги вақтда учраётган муаммолар ва уларни бартараф этиш борасида фикр алмашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова жамиятни ислоҳ қилиш, модернизациялаш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмаларининг ўрни ва олдида турган вазифалари хусусида тўхталиб ўтди. Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

**Ўз мухбиримиз.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

---

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

## ТАРАҚҚИЁТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

***Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган мажлисида Президентимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишни устувор вазифа қилиб қўйган эди.***

***Қашқадарё вилоятида етмиш мингдан ортиқ киши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаяпти. Бугунги кунда кичик бизнес ички бозорни зарур маҳсулот ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор сифатида аҳолини иш билан таъминлаш, унинг даромадларини оширишнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилаяпти.***

Вилоятда «2006-2007 йилларда аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш» ҳудудий дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти. Йил давомида 50,9 мингта ўрнига 67,5 мингта иш ўрни яратилган бўлса, унинг қарийб ярми тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

— Юртбошимиз таъкидлаганларидек, кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб этиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш, маҳсулот турларини янгилаш, кўпайтириш ва шу тариқа бозор коньюктурасининг ўзгарувчан талабларига мослашиши билан эътиборлидир, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Э.Ражабов. — Айни пайтда у иқтисодиётни юксалтириш омили, жамиятимиз ижтимоий-сиёсий барқарорлиги кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлаяпти.

Вилоят бўйича етиштирилаётган доннинг 83,4 фоизи, пахтанинг 95,3 фоизи фермер хўжаликлари улушига тўғри келаяпти.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янги технологияларни жорий этишга тобора эътибор кучайтирилмоқда. Қашқадарёлик тадбиркорларнинг Хитой Халқ Республикасидаги «Баочунь» компанияси билан ҳамкорлиги яхши натижа бераяпти. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси кўмагида тузилган шартномалар бўйича хитойлик ҳамкор 43,8 минг АҚШ доллари миқдорида мини технология ускуналарини етказиб берди. Кичик бизнес субъектлари ўз маблағи ҳисобидан сотиб олган бу линиялар озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Касби туманидаги «Юрт ризқи — наслчилик» масъулияти чекланган жамияти колбаса, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, Китоб туманидаги «Тевабоши» фирмаси қатиқ, сметана ва қаймоқни бежирим идишларда қадоқлайдиган бўлди. Қарши шаҳридаги «Фламинго» фирмасида полиэтилен идишларда маъданли сув ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўн тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Қаршимебель» масъулияти чекланган жамиятида 35 турдаги мебеллар тайёрланаяпти. Талабчан ва фидойи тадбиркор аёл Саломат Комилова раҳбарлик қилаётган корхонада халқ истеъмол молларидан ётоқхона мебеллари, кийим жавонлари, мактаб парталари ишлаб чиқарилаяпти. Жорий йилда ошхона тўпламлари каби жиҳозлар тайёрлаш йўлга қўйилади. 2000 йилдан буён Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган тендер танловларида ғолибликни қўлга киритган усталарга қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Мазкур жамоа 2007 йилда Сурхондарё вилояти мактабларини тўлиқ жиҳозлар билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Бир йилда буюртмачиларга 270 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари етказиб берилди.

Қаршидаги ихтисослашган кардиология ва урология марказлари, Журналистлар уйи, университет ётоқхонасини «Қаршимебел»нинг мўъжазгина жиҳозлари безаб турибди. Қамаши туманидаги «Микрон-М» масъулияти чекланган жамияти «Ташаббус» кўрик-танловининг доимий ғолиби. Воҳада «Энг яхши тадбиркор» сифатида эътироф этилган Олимжон Чўлиев раҳбарлик қилаётган корхона кейинги уч йил давомида истеъмолчиларга 1,5 минг тонна макарон, 25 тонна печенье, кўп миқдорда нон ва нон маҳсулотлари етказиб берди. Юзга яқин иш ўрни яратилган аҳил ва иноқ жамоада турли хил макарон, нон ва печенье ишлаб чиқарилаяпти. Корхонада мева-сабзавотни қайта ишлаш ва теридан экспортбоп буюмлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган.

Қарши шаҳридаги «Юнусжон лойиҳа-сервис» масъулияти чекланган жамиятида сувда чўкмайдиган, оловда ёнмайдиган, иссиқ ва совуқни ўтказмайдиган янги турдаги қурилиш материали — кўпикбетон тайёрланаётганлиги эътиборга лойиқ. Ҳолбуки, ҳозирга қадар экологияга зарар етказмайдиган ва нархи арзон бўлган бу қурилиш материалидан Россия, Австралия каби дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг фойдаланиб келинган. Воҳада керамзит тақчиллиги сезилаётган бир пайтда том ва полларнинг иссиқлик изоляцияси учун кўпикбетондан фойдаланиш ижобий самара беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳал қилувчи бўғинга айланиб бормоқда. Яккабоғ туманидаги Олакўйлак қишлоғида яшовчи ишбилармон Музаффар Бобоназаров раҳбарлигидаги «Эйфел-Эко» ишлаб чиқариш корхонаси вилоят марказидаги йирик иншоотларга 15 турдан ортиқ мармар плиталари ва буюмлари етказиб берадиган тўлақонли хўжалик юритувчи субъектларга айланди. Тадбиркорнинг материалларидан Қарши шаҳридаги «Геолог» ўйингоҳи, 3-умумтаълим мактаби, вилоят божхона бошқармаси янги биноси қурилишларида фойдаланилди. Китоб туманидаги Қаҳрамон Эргашевнинг «Давр» хусусий корхонаси илгарилари фақат савдо фаолияти билан шуғулланган. Мана икки йилдирки, улар нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришяпти.

Қарши туманидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Равшан-БА» хусусий корхонасида тайёрланган безакбоп ғиштларнинг талабгорлари кўп. Деҳқонобод туманидаги Нодира Бойназарова бошқараётган «Мансур» ишлаб чиқариш фирмаси, нишонлик ишбилармон аёл Азиза Бўриеванинг замонавий дизайндаги келин либослари, китоблик ёғоч ўймакорлиги устаси Олим Тўраев, шаҳрисабзлик ироқи каштачилик йўналишида фаолият юритаётган ҳунарманд Юлдуз Мамадиёрова, Қарши шаҳрилик миниатюрачи рассом Карим Алимов ва бошқаларнинг маҳсулотлари буюртмачиларга манзур бўлаяпти.

Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳузурида «Қалқон» адолатли ҳимоя унитар корхонаси фаолият кўрсата бошлади. Бу ташкилот тадбиркорларга юридик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатади. Унинг Низомида белгиланганидек, янги тузилма ишбилармонларга юридик маслаҳатлар ва ҳуқуқий хулосалар бериш, уларнинг манфаатларини суд ва бошқа давлат идораларида ҳимоя қилиш, судларнинг қонуний кучга кирган қарорлари ижросини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш, нашрлар тайёрлаш, кичик бизнес вакилларининг саводхонлигини ошириш учун ўқув курслари ташкил этиш ва бошқа йўналишлар бўйича иш юритади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, йил давомида савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси томонидан тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб хўжалик судлари ва фуқаролик ишлари бўйича судларга 2063 та даъво аризаси киритилган бўлиб, улардан 74,5 фоизи қаноатлантирилган.

Вилоятда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишлари учун қулай шароит яратилганлиги кичик бизнеснинг ривожига кенг йўл очмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

Хабарлар

## ФИДОЙИЛИК УЧУН ЭЪТИБОР
### кишиларни руҳлантиради, зафарларга чорлайди

***Фидойилик ўз вақтида рағбатлантирилса, бундан руҳланган киши янги-янги меҳнат зафарлари сари илҳомланиши турган гап. Ижтимоий ҳимоя йилида Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бу борада бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.***

Айни вақтда вилоят корхона ва ташкилотларида мингдан зиёд байналмилалчи жангчилар ва Чернобил фожеасини бартараф этишда иштирок этганлар меҳнат қилишяпти. Шу билан бирга учта Меҳрибонлик уйи ҳамда 9 та мактаб-интернатларнинг 2 минг 880 нафар тарбияланувчиларига 400 дан зиёд мураббийлар таълим-тарбия беришмоқда.

Куни кеча Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида «Мурувват», «Саховат», «Меҳрибонлик» уйларида кўп йил ишлаган байналмилалчи жангчилар, Чернобил ҳалокатини бартараф этишда қатнашган бир гуруҳ инсонларга эҳтиром кўрсатилди. 15 нафар педагог ҳамда тарбиячиларга, 26 нафар байналмилалчи жангчилар ҳамда Чернобил фожеасини бартараф этишда қатнашганларга вилоят кенгашининг 2007 йилдаги раёсат қарорига асосан имтиёзли йўлланмалар берилди.

Бундай эътибор учун йиғилганлар ўз миннатдорчиликларини билдиришди.

**Зуҳра Исаева — Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-мактаб-интернати тарбиячиси:**

— 24 йилдан бери тарбиячилик қилиб келаман. Албатта, касбимиз нозик. Ёшларга, айниқса, ногиронларга тарбия бериш кишидан авваламбор меҳр, қолаверса, фидойиликни талаб қилади. Шу боисдан ҳам бор меҳримизни ёшлардан аямасликка ҳаракат қилмоқдамиз. Уларни жамиятимиз учун наф келтирадиган кишилар сафидан жой олишларига бор кучимизни сафарбар этмоқдамиз.

Менга Чинобод санаторийсига даволаниш учун бепул йўлланма берилди. Бундай эътибор учун вилоят кенгаши раҳбариятига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Тоҳир Ҳасанов — Келес автокорхонаси созловчиси, байналмилалчи жангчи:**

— Ҳар бир юксак эътиқодли инсон ўз ватани, халқи учун кўп ишлар қилишга қодир. Мен ҳам 1980 — 1982 йилларда Афғонистонда хизмат бурчимни ўтагандим. Бугунги тадбирда «Бўстон» санаторийсига йўлланма беришди. Бунинг учун оилам ва шахсан ўз номимдан ташаккур билдираман.

**Р.НЕЪМАТОВ**

---

## САХОВАТ НАМУНАСИ

***Фарзанди учун барча шароитларни яратиб беришни ота-она ўз бурчи деб билади. Шу боис, унинг юриш-туришини, ўқишини назорат қилиб боради. Лекин шу билан ҳаммаси рисоладагидек бўлавермайди, албатта. Чунки назоратдан ташқари эътибор ва ғамхўрлик ҳам талаб этилади.***

Қурбон Абдуназаров I гуруҳ ногирони бўлишига қарамасдан хайрли ишга қўл урди. Яъни, фарзанди таҳсил оладиган Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактабга ҳомий ташкилотлардан компьютер учун столлар, дераза ойналари олиб берди. Бундан ташқари, ўз ҳисобидан мусиқа хонаси учун пианино ҳадя этди.

Сир эмас, шундай ота-оналар борки, фарзанди қайси мактабда, нечанчи синфда ўқишини ҳам билмайди. Мактабга боряптими, қандай баҳолар оляпти, қизиқмайди ҳам. Кейин эса фарзандим нега нотўғри йўлга кириб кетди, деб ҳайрон бўлиб юради. Қанийди, ҳамма ҳам Қурбон акадек бўлса!

Тўғри, гап бу ерда унинг олиб берган нарсаларида эмас, балки эътибори, ёшларнинг ўқишга меҳр қўйиши учун баҳоли қудрат қилган хатти-ҳаракатида. Саховат халқимизга хос инсоний фазилат. Бу фазилатни намоён этган Қ. Абдуназаровдан мактаб жамоаси ва ўқувчилар жуда миннатдор.

**Инна ЛИ,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 142-мактаб директори**

---

## КАТТА ТААССУРОТ БИЛАН

Шўртангазкимё мажмуаси раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси корхонада ишлаётган 306 нафар хотин-қизнинг Тошкент шаҳри саёҳатини уюштирди. Саёҳатчилар тўрт юлдузли «Ле Гранде Плаза» меҳмонхонасига жойлашиб, икки кун мобайнида Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари, Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи, Тошкент телеминораси ва бошқа диққатга сазовор жойларни бориб кўрдилар.

Айниқса, Миллий академик драма театрида «Андижон келини» спектаклини кўриб, унинг етакчи актёрлари билан бўлган учрашув хотин-қизларда катта таассурот қолдирди.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

---

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ

Жорий йилда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 15 йил тўлади. Икки мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий, фан-техника соҳаларидаги алоқалар йилдан-йилга ривожланиб, ўз самарасини бермоқда.

Ҳамкорликнинг янги йўналишларидан — туризм ва экотуризм соҳасида ҳам кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, уни ривожлантириш асосида ижтимоий-экологик вазиятни барқарорлаштириш, қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш ҳамда табиий ва маданий бойликларни сақлаш, муҳофаза қилиш каби муҳим ишларни амалга ошириш мумкин.

Шу мақсадда 30 март — 2 апрел кунлари Ҳиндистон Туристик Агентликлари Ассоциациясининг Президенти жаноб Прасад бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Мазкур ташриф доирасида 30 март куни Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида меҳмонлар билан «Ўзбектуризм» Миллий компанияси, "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти, "Экосан-Тур" халқаро экотуристик Маркази, Ўзбекистон хусусий Сайёҳлик Ташкилотлари Уюшмаси ҳамда қатор сайёҳлик фирмалари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўзининг қадимий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан дунёга машҳур. Қолаверса, Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги боис ушбу мамлакат ўртасида савдо муносабатлари билан бирга маданий алоқалар ҳам азалдан ривож топиб келган.

"Ўзбекистон-Ҳиндистон: туризм ва экотуризм — барқарор ривожланишнинг омили" шиори остида ўтказилган учрашувда Ўзбекистоннинг туризм индустрияси ҳамда экотуризмни ривожлантиришнинг истиқболлари хусусида фикр алмашилди. Ҳиндистон делегацияси аъзолари 31 март куни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги юртимизнинг қадим тарихидан ҳикоя қилувчи тарихий обидаларни зиёрат қилдилар.

Ташрифнинг сўнгги куни «Le Grande Plaza" меҳмонхонасида Ўзбекистон санъат усталари ва фольклор гуруҳлари иштирокида ташкил этилган "Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлиги кечаси" делегация вакилларида катта таассурот қолдирди.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

